
Аҳоли муурожаатлари ижобий ҳал этилмоқда.

Жойларда сектор раҳбарлари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Хусусан туман ҳокими, 1-сектор раҳбари Халимжон Умаров томонидан фуқаролар иштирокида ўтказилган қабуллар давомида келиб тушаётган муурожаатлар алоҳида назоратга олиниб қисқа муддатларда ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан аҳоли томонидан электр таъминотини яхшилаш, янги бетон таянч устунлар ўрнатиш масаласида қилган муурожаатларига асосан туман ҳокимлиги томонидан сектор ҳудудидаги Янгиҳаёт МФЙга 5 та, Байналминал МФЙга 4 та, Қалинпўстин МФЙга 20 та бетон таянч устунлар ажратилиб, ҳозирда туман электр тармоқлари корхонаси томонидан ишлар амалга оширилмоқда.

2023-08-12 12:42:40